

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВА ШАХНОЗА АБДУФАТТАХОВНА**

**ТАКРОРИЙ МУДДАТДА ЭКИЛАДИГАН МОШ ЭКИНИНИНГ  
АСОСИЙ ЗАРАКУНАНДАЛАРИ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАР  
МИҚДОРINI БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Махмудова Шахноза Абдуфаттаховна**

Такрорий муддатда экиладиган мош экиннинг асосий зараркунандалари биоэкологияси ва улар миқдорини бошқаришни такомиллаштириш ..... 3

**Махмудова Шахноза Абдуфаттаховна**

Биоэкология основных вредителей маша повторного срока сева и совершенствование управления их численностью ..... 21

**Makhmudova Shahnoza Abdufattahovna**

Bioecology of the main pests of phaseolus aureus with a repeated sowing period and improvement of their quantity management..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВА ШАХНОЗА АБДУФАТТАХОВНА**

**ТАКРОРИЙ МУДДАТДА ЭКИЛАДИГАН МОШ ЭКИНИНИНГ  
АСОСИЙ ЗАРАКУНАНДАЛАРИ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАР  
МИҚДОРINI БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qx302 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович**  
биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Аманов Шухрат Бахтиёрович**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, катта илмий ходим

**Бўранов Юсуф Худойназарович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

**Етақчи ташкилот:**

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (539080-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Э.Намазов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, к/х.ф.д., профессор

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё кишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган дуккакли дон экинлари инсон учун энг зарур оқсил, ёғ ва углеводларга бой бўлганлиги сабабли инсон организми томонидан кўп талаб қилинадиган озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Жаҳонда бугунги кунда дуккакли дон экинларидан йилига жами 62 млн. тонна озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ҳосил олинади<sup>1</sup>. Шунга кўра такрорий муддатда экиладиган мошда зарар етказиб ҳосилни кескин камайиб кетишига сабаб бўлаётган зараркунандаларнинг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши ва зарарини ўрганиш асосида уларни миқдорини бошқариш ҳамда ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижаларини тадбиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда бугунги кунда Хитой, Ҳиндистон, Корея, Россия ва бошқа бир қатор мамлакатларда мош экинидан олинадиган ҳосилга бўлган талабни қондиришда бир қанча кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Мошни зараркунандаларига қарши кураш усуллари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида ушбу экинлардан олинадиган ҳосилдорликни сақлаб қолиш имкониятини яратади. Мош асосан кенг майдонларга такрорий муддатда экиладиган ўсимлик бўлиб, унинг зараркунандаларига қарши курашишнинг усуллари замонавий технологияларга мос равишда ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз шароитида мош экинидан олинадиган ҳосилга бўлган талабни қондиришда бир қанча кенг кўламли ислохатлар ва чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида кенг майдонларга асосан мош экинини экиш ишлари ташкил этилди. Шунга кўра мош зараркунандаларини миқдорини бошқариш усуллари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида, ушбу экиндан олинадиган ҳосилдорликни сақлаб қолиш имкониятини яратади. Мошни асосий зараркунандаларига қарши курашишда экологик ҳавфсиз, атроф-муҳитга безарар усуллари замонавий технологияларга мос равишда ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Такрорий муддатда экиладиган мошни зараркунандалари миқдорини бошқаришда самарали кураш усуллари жорий этиш мошни ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup><http://www.fao.org>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3144-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сон «2017-2021 йилларда республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қарори, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда, жумладан Ҳиндистонда Sumeet Verma, Anjay Kumar Gupta, Nupur Mittal, Лондонда W.Weisser Wolfgang, Braendle Christian, Minoretti Nicole, Австралияда P.Michael, D.Hardie, P.Mangano, Хитойда Тан Чан Куанг, Россияда Н.Б.Спирина, О.И.Петруха каби олимлар томонидан дуккакли экинлар зараркунандаларини ўрганувчи илмий йўналиш шакллантирилган.

Ўзбекистонда адабиётларда келтирилган маълумотларга қараганда (В.Н.Полевшикова, Н.М.Махмудхўжаев, А.Т.Холлиевлар) мош экинини дала шароитида ҳамда ҳосилини омборхоналарда сақлаш вақтида бир қанча зараркунандалар зарар етказиб унинг оқибатида 40-50% қисми нобуд бўлиши, баъзи йилларда эса зарари ундан ҳам ортиб бораётгани кузатилган. Мош экинидан экологик тоза ва юқори сифатли ҳосил олиш учун уларни зарарлаб ҳосилни камайтирувчи зараркунандаларга қарши истикболли кураш усулларини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Дуккакли экинларни зарарловчи зараркунандаларга қарши кураш чоралари муаммоларини ҳал қилиш йўналишида бир мунча илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Республикамиз шароитида такрорий муддатда экиладиган мош экинини зарарловчи зараркунандалар, уларнинг биологик хусусиятлари ва зарарини бартараф этишнинг илмий асосланган усуллари етарлича ўрганилмаган. Юқорида келтирилган маълумотларга кўра такрорий муддатда экиладиган мошни асосий зараркунандаларини биоэкологиясини ўрганган ҳолда зараркунандалар миқдорини бошқаришни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари**

**режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий ишлари режасига киритилган К 10-011 «Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг экологик соф, самарали, ресурстежамкор уйғунлашган ҳимоя тизимини такомиллаштириш» (2009-2011 йй.), ВА-ҚХА-9-004 «Сабзавот экинлар агробиоценозида зараркунандалар сонини бошқаришда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш» (2017-2019 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** такрорий муддатда экиладиган мошни асосий зараркунандаларининг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши ва зарарини аниқлаш асосида уларни миқдорини бошқаришни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

такрорий муддатда экиладиган мошни зараркунандаларини тур таркибини аниқлаш;

мош агробиоценозида учрайдиган доминант тур зараркунандаларнинг биологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш;

агробиоценозда асосий зараркунандаларнинг тарқалиш ареали ва келтирадиган зарарига баҳо бериш;

мошни етиштириш ва сақлаш даврида зараркунандалар ривожланишига экологик омиллар тадқиқ этиш;

такрорий муддатда экилган мош зараркунандалари миқдорини бошқаришда энтомофаг ва акарифаглар самарадорлигини баҳолаш;

янги инсектицидларни такрорий муддатда экилган мошнинг асосий зараркунандалари миқдорини бошқаришда танлаш ва самарадорлигини аниқлаш;

тадқиқотларда қўлланилган воситаларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида такрорий муддатда экиладиган мош, унинг зараркунандалари ва паразит, йиртқич энтомофаглар хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** такрорий муддатда экиладиган мошнинг асосий зараркунандаларига қарши қўлланиладиган ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик ва кимёвий воситалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Такрорий муддатда мош агробиоценозида зараркунандалар ва табиий кушандалар турларини систематик таҳлил қилиш, доминант турларни тарқалиши ва келтирадиган зарарини ҳисоблаш бўйича тадқиқотлар Г.Я.Бей-Биенко, С.М.Волков ва бошқ., И.Я.Поляков ва бошқ., К.Е.Воронин, С.Г.Боинская, Б.П.Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, В.И.Танский ва бошқ., Л.М.Копанева услубларида; мошнинг асосий зараркунандаларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганишда ва фенокалендарь тузишда К.Фасулати, В.Ф.Палий, Б.В.Добровольский услубларида; агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев, В.Ф.Пересыпкин ва бошқ., Г.И.Сухорученко ва

бошқ. услубларида олиб борилди; қўлланилган воситаларининг биологик, иқтисодий самарадорликлари W.S.Abbot, К.А.Гар услубларида ҳисоблаб чиқарилди, олинган натижалар дисперсион таҳлил қилиниб, Б.А.Доспехов тавсия қилган услубда аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилояти шароитида такрорий муддатда экиладиган мошни зараркунандаларини турлари систематик таҳлил қилинган;

такрорий муддатда экиладиган мошнинг асосий зараркунандаларининг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, агробиоценоздаги ўрни ва зарар келтириш даражаси баҳоланган;

такрорий муддатда экиладиган мош майдонларида зараркунандалар миқдорини бошқаришда табиий кушандаларнинг самараси аниқланган;

мошнинг асосий зараркунандалар миқдорини бошқаришда уларга қарши биологик ва кимёвий кураш усуллари ишлаб чиқилган;

тадқиқотларда қўлланилган усул ва воситаларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

такрорий муддатда экиладиган мошнинг асосий зараркунандаларидан илдиз кемирувчи зараркунандалар, шоналаш ва гуллаш вақтида зарар келтирадиган ўсимликхўр қандалалар, ўргимчаккана, ғўза тунлами; мошни ҳосилини омборхоналарда сақлаш вақтида зарарлайдиган донхўрларга қарши биологик ва кимёвий воситаларнинг қўллаш натижасида 83,4-88,7% биологик самарадорликка эришилган;

кимёвий усулда эса ўргимчакканага қарши кураш чоралари қўлланилганда назоратга нисбатан сақлаб қолинган ҳосил гектарига 3,6-4,5 центнерни, мошни тўрт доғли донхўрдан ҳимоя қилинганда 4,0-4,8 центнер ҳосил сақлаб қолишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги, назарий ва амалий натижаларнинг бири-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларга асосланганлиги, илмий тадқиқот ишлари чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилояти шароитида такрорий муддатда экиладиган мошни зараркунандаларининг систематик таҳлили, биоэкологик хусусиятлари, улар миқдорини бошқаришни



такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такрорий муддатда мошни етиштиришда асосий зараркунандаларига қарши курашда биологик, кимёвий препаратларни қўллаш ва аҳолини экологик соф озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда чорвачиликни тўйимли озиқа билан таъминлаш билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Такрорий муддатда экиладиган мошни зараркунандаларига қарши кураш усуллари бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

такрорий муддатда экиладиган мошда илдиз кемирувчи тунламлар, туганак узунбурунлар, ширалар, трипслар ва ўсимликхўр қандалаларга қарши мошни уруғларини экишдан олдин уруғдориллагич препаратлардан Гаучо 70% н.кук., (1 тонна уруғга 5 кг) ва Круизер Экстра 36,2% сус.к., препаратлари билан (3 литр) дорилаб экиш Тошкент вилояти Қибрай тумани «Ўсимликшунослик ИТИ», Янгийўл тумани «Нурмухаммад ишонч», «Ҳакимжон файзли боғи», Оққурғон тумани «Хусанжон Санжар» фермер хўжаликлари майдонларида жами 101 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 02/021-2950-сон маълумотномаси). Натижада уруғлар униб чиққандан сўнг 25-30 мошни кунгача асосий илдиз зараркунандалари ва ёш ниҳоллигида зарар етказадиган сўрувчи зараркунандалар назоратга нисбатан 84,3-93,7% гача камайтирилган;

мошнинг ўсув даврида зарар етказадиган асосий зараркунандаларидан ғўза тунламига қарши Энтовант, Аваунт, Вертимек, Ламдок препаратлари, ўргимчакканага қарши Вертимек, Ниссоран препаратлари қўллаш Тошкент вилояти Қибрай, Янгийўл, Оққурғон туманлари фермер хўжаликлари шароитида жами 101 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 02/021-2950-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кимёвий препаратлар қўлланилган вариантда ғўза тунламига қарши 86,1-92,2% ҳамда ўргимчакканага қарши 89,0-91,0% гача биологик самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти, предмети, иш услублари тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий этилиши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Такрорий муддатда экиладиган мошни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг аҳволи ва истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилинган бўлиб, унда такрорий муддатда экиладиган мош экинини асосий зараркунандаларининг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари ҳамда улар миқдорини бошқариш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлил қилинган. Илмий адабиётлар таҳлил қилишда такрорий муддатда экиладиган мошни зараркунандалари ҳамда тур таркибини қайта текшириб чиқиб, улардан асосийларини биоэкологиясини ўрганган ҳолда улар миқдорини бошқаришни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлигини маълум қилади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг агроиқлимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва иш услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг агроиқлимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари бўйича илмий иш манбалари ҳамда иш услублари келтирилган.

Тажрибалар 2017-2019 йилларда Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани «Ҳакимжон файзли боғи» ф/х, «Нурмуҳаммад ишонч» ф/х, Қибрай тумани Ўсимликшунослик ИТИ, ТошДАУ қошидаги «Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳатлар маркази ДУК» тажриба майдонларида ҳамда Оққурғон тумани «Хусанжон Санжар» фермер хўжаликлари далаларида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Такрорий муддатда мош агробиоценозида зараркунандалар ва табиий кушандалар турларини систематик таҳлил қилиш, доминант турларни тарқалиши ва келтирадиган зарарини ҳисоблаш бўйича тадқиқотлар Г.Я.Бей-Биенко, С.М.Волков ва бошқ., И.Я.Поляков ва бошқ., К.Е.Воронин, С.Г.Боинская., Б.П.Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, В.И.Танский ва бошқ., Л.М.Копанева услубларида; мошнинг асосий зараркунандаларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганишда ва фенокалендарь тузишда К.Фасулати, В.Ф.Палий, Б.В.Добровольский услубларида; агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев, В.Ф.Пересыпкин ва бошқ., Г.И.Сухорученко ва бошқ., услубларида бажарилган; қўлланилган воситаларнинг биологик, иқтисо-

дий самарадорликлари W.S.Abbot, К.А.Гар услубларида ҳисоблаб чиқарилган, олинган натижалар дисперсион таҳлил қилиниб, Б.А.Доспехов тавсия қилган услубда аниқланган.

Диссертациянинг «**Такрорий муддатда экиладиган мошни асосий зараркунандаларининг турлари, биологик ва экологик хусусиятлари, тарқалиши, зарари ҳамда табиий кушандалари**» деб номланган учинчи бобида Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани «Ҳакимжон файзли боғи» ф/х, «Нурмуҳаммад ишонч» ф/х, Қибрай тумани Ўсимликшунослик ИТИ, ТошДАУ қошидаги «Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳатлар маркази ДУК» тажриба майдонларида ҳамда Оққурғон тумани «Хусанжон Санжар» фермер хўжалиги далаларида 2017-2019 йиллар давомида такрорий муддатда экилган мош далаларида учраган зараркунандаларни тур таркибини аниқлаш ва систематик таҳлил қилиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, бунда такрорий муддатда экилган мош агробиоценозида бугунги кунда 26 турдан ортиқ зараркунандалар ва 10 турдан ортиқ табиий кушандалар турлари аниқланганлиги келтирилган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Такрорий муддатда экиладиган мош агробиоценозида аниқланган зараркунанда турлари (Тошкент вилояти, 2017-2019 йй.)

№	Турнинг ўзбекча номи	Турнинг лотинча номи	Учраш даражаси
1.	Кузги тунлам	<i>Agrotis segetum</i> Schiff.	+++
2.	Метал тусли тунлам	<i>Phytometra confuse</i> Steph	+
3.	Ѓўза тунлами	<i>Heliothis armigera</i> Hb.	+++
4.	Ёввойи тунлам	<i>Agrotis conspicua</i> Hb.	++
5.	Ундов тунлами	<i>A.exclamationis.</i> L	+
6.	Ѓовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси	<i>Liriomyza cicerina</i> Rond.	++
7.	Дағал тукли узунбурун кўнғизи	<i>Setona crinitus</i> Hbst.	++
8.	Майса узунбурун кўнғизи	<i>Setona cylindricollis</i> Fahr.	+++
9.	Муйловдор кўнғизсимон чертмакчиси	<i>Clon cerambycinus</i>	++
10.	Туркистон қарсилдоқ кўнғизи	<i>Agriotes meticulosus</i> Cand.	+++
11.	Бурундор қора кўнғиз	<i>Dailognatha nasute</i> Men.	+
12.	Тўрт доғли донхўр	<i>Callosebruchus maculates</i> Z.	+++
13.	Дуккаклилар шираси	<i>Aphis fabae</i> Scop.	++
14.	Беда шираси	<i>Aphis craccivora</i> Koch.	+++
15.	Полиз шираси	<i>Aphis gossypii</i> Glon.	+
16.	Катта ғўза шираси	<i>Acyrtosiphon gossypii</i> Mordv.	++
17.	Ўткир елкали мрамор қандала	<i>Carpocoris fuscispinus</i> Boh.	+++
18.	Дала қандаласи	<i>Lygus pratensis</i> L.	+++
19.	Беда сўкир қандаласи	<i>Adelphocoris lineolatus</i> Goes	+++
20.	Иссиқхона оққаноти	<i>Trialeurodes vaporariorum</i> Westw.	+++

## 1- жадвал давоми

21.	Дуккакдилар трипси	<i>Odontothrips intermedius</i> Uzel.	+
22.	Марокаш чигирткаси	<i>Dociostaurus maroccanus</i> Thunb.	++
23.	Отбосар чигирткаси	<i>Dociostaurus kraussii</i> Lng.	++
24.	Италия чигирткаси	<i>Colliptamus italicus</i> L.	+
25.	Яшил темирчак	<i>Tettigonia viridissima</i> L.	+++
26.	Ўргимчаккана	<i>Tetranychus urticae</i> Koch.	+++

Шартли белгилар: + - кам учрайди, ++-ўртача даражада учрайди, +++ - энг кўп учрайди.

Такрорий муддатда экиладиган мошда ҳаммахўр ҳамда ихтисослашган зараркунандалари мавжуд бўлиб, ўргимчаккана, кузги тунлам, ғўза тунлами, ўсимликхўр қандалалар ҳамда ўсимликка ва донларни сақлаш вақтида зарар етказадиган шу экинлар учун ихтисослашган зараркунандалардан донхўр брухуслардир. Олинган маълумотларга қараганда экинларнинг ҳосилдорлиги айниқса мош экинлари ўсув даврида ва сақлашда донхўр брухуслар билан 60-70% гача зарарланаётгани аниқланган.

Донхўр брухуслар ёруғликда, иссиқликда жуда ҳаракатчан бўлиб, эрта баҳорда кўпинча кечки экилган мошни гуллаш ва дуккаклаш ҳамда ғунчалаш даврида ривожланиб, кўнғизлари гулларнинг нектари билан озиқланади.

Тадқиқотлар давомида донхўрларнинг дуккакли экинлардан айниқса мош экилган майдонларда пайдо бўлиши май ойининг 1-декадаси охири ва иккинчи декадаси бошларига, оммавий кўпайиши май ойининг 2-декадаси охири 3-декадасида, тухум қўйиши эса июнь ойининг 1-декадасига тўғри келди. Янги авлод кўнғизларининг пайдо бўлиши июль ойининг 1-декадасида пайдо бўлди. Ҳосил йиғиштирилгандан сўнг лаборатория шароитида донхўр кўнғизларнинг мош донидан учиб чиқиши август ойининг 2-декадасига тўғри келди. Донхўрларнинг лабораторияда мош донларини зарарлаши август ойининг 2-декадасидан бошлаб сентябрь ойининг 1-2 декадасигача тўғри келганлиги кузатилди (2-жадвал).

## 2- жадвал

**Донхўр (*Bruchidae*) ни мош экилган майдонларда ривожланиши  
(Тошкент вилояти, 2017-2019 йй.)**

№	Донхўрларни ривожланиши	Ўртача олинган муддатлари
1	Мошда донхўр кўнғизининг пайдо бўлиши	12-14 май
2	Донхўрларнинг оммавий кўпайиши	21- 23 май
3	Оммавий тухум қўйиши	7-9 июн
4	Янги авлод кўнғизларининг пайдо бўлиши	2-6 июл
5	Лаборатория шароитида донхўрларнинг мош донини кучли зарарлаши	17 августдан бошлаб 18-сентябргача

2017-2018 йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқотларимиз ва кузатувларимиз асосига кўра хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республикамиз шароитида дуккакли дон экинларининг асосий зараркунандалари донхўр брухусларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиб, унга қарши дала шароитида ва омборхоналарда ҳамда хонадонларда кураш ишларини олиб бориш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамизда ҳозирги кунда донхўрлар (*Bruchidae*) нинг 3 тури: тўрт доғли донхўр (*Callosebruchus maculatus*), нўхат донхўри (*Bruchus pisorum*) ва ловия донхўр (*Acanthoscelides altectus*) лари кучли зарарлашини кузатдик. Бу донхўрларни етук зотлари далада, личинкалари эса донлар ичида ривожланади, донхўрлар билан кучли зарарланган ўсимлик донлари экишга ва истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Донхўр брухуслар далада 1 маротаба, мошни сақлашда 3-4 маротаба авлод бериб ривожланиши ўрганилган.


Лабораторияда тўрт доғли донхўр динамикасини ўрганиш учун 50 кг мош олинди. Намунанинг тўртта жойидан бир кг дан намуналар олиниб ҳар ойда кузатиб турилди.

Лаборатория ҳаво ҳарорати, намлиги термометр ва психрометр асбоблари ёрдамида текшириб турилди. Дон уюмининг намлиги курук қолдиқ бўйича аниқланди.

Тўрт доғли донхўр динамикаси устида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳароратнинг ошиши билан зараркунанда сони ҳам кўтарилиб боради. Аксинча ҳолат эса улар сонини камайишига олиб келади. Жумладан, ҳарорат пасайиши билан декабрь ойдан бошлаб тўрт доғли донхўр сони камайиб борди. Январь охирида эса улар деярли кўринмади. Тўрт доғли донхўр ривожланиши учун ноқулай шароит яратилганлиги билан боғлиқ. Февраль охирлари ва мартдан бошлаб ҳарорат аста-секин кўтарила бошлайди.

Тошкент вилояти Қибрай тумани Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Янгийўл тумани, Оққурғон туманидан мош экилган майдонларда тўрт доғли донхўрни тарқалиши ҳамда зарарини ўрганиш мақсадида кузатувлар олиб бордик.

Тадқиқотлар натижасига кўра хўжаликлардан олиб келинган мош донларини 1000 донадан лаборатория шароитида таҳлил қилиб кўрганимизда Ўсимликшунослик ИТИ тажриба майдонидан олинган донлар 51,8%, Янгийўл туманидан олиб келинган донлар 48,6% ва Оққурғон туманидан олинган донлар 47,7% гача мош донлари тўрт доғли донхўрлар билан зарарланганлиги аниқланди (1-расм).




### 1-расм. Тўрт доғли донхўрнинг мош экилган майдонларда зарари (Лаборатория тажрибаси, 2018 й.)

Тошкент вилояти шароитида тўрт доғли донхўрни мош экилган майдонларда тарқалиши ва зарар келтириш даражасини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки бу зараркунанда мош экинида 47,7-53,2% гача зарар келтиради.

Қандалалар (яримқаттиқ қанотлилар) (*Hemiptera*) туркумига мансуб зараркунандалардан 3 тури учраб улар ичида беда қандаласи кенг тарқалган бўлиб, ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш даврида гулдонини сўриши натижасида гуллари тўкилиб кетади, дуккаклари тўлиқ ривожланмайди. Республикамиз шароитида мошда ҳозирги кунда қандалаларнинг 3 тури учраши кузатилди, булардан дала қандаласи - (*Lygus pratensis* L), беда қандаласи - (*Adelphocoris lineolatus* Goes) ва Сурхондарё вилояти шароитида ғўза қандаласи (*Creontiades pallidus* Rafmb.).

Тадқиқотларимизда кузатилишича қандалалар кучли зарарлаган майдонларда мошнинг гуллари тўкилиб кетиши ва дуккаклари ҳосил бўлмаслиги кузатилди. Такрорий экин сифатида экилганда эса уларнинг зарари икки марта кўп бўлади. Бизнинг тадқиқотларда Тошкент вилоятида ўсимликхўр қандалаларнинг зарари ўртача 42,7-48,4% ни ташкил этган.

Такрорий муддатда экиладиган мошни ғўза тунлами билан зарарланишини ўрганиш мақсадида Янгийўл тумани «Ҳакимжон файзли боғи» ф/х, «Нурмуҳаммад ишонч» ф/х, Қибрай тумани Ўсимликшunoslik ИТИ, ТошДАУ қошидаги «Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳатлар маркази ДУК» тажриба майдонларида ҳамда Оққурғон тумани «Хусанжон Санжар» фермер хўжалиги далаларида тадқиқотлар олиб борилган (2-расм).



## 2-расм. Мошнинг ғўза тунлами билан зарарланиш даражаси (ўртача 100 тупда ҳисобга олинган)

Ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.) ўргимчаксимонлилар (*Arachnoidea*) синфига, *Acariphormes* туркумига, ўргимчакканалар (*Tetranychidae*) оиласига мансуб.

Ўргимчаккана кенг тарқалган зараркунанда бўлиб, Ўрта Осиё республикаларидан ташқари кўпгина Европа ва Осиё мамлакатларида ҳам тарқалган. АҚШ ва Африка мамлакатларида сабзавот экинларида оддий ўргимчакканадан ташқари бир нечта шу оилага мансуб бошқа каналар ҳам зарар етказди.

Ўргимчаккана ҳаммаҳўр зараркунанда ҳисобланиб, у 250 дан ортиқ ўсимликларни зарарлайди. Ўргимчаккана республикамиз шароитида мош, соя, ловия ва бошқа кўпгина сабзавот ва полиз экинларини қаттиқ зарарлаши натижасида барглари тўкилиб, унинг натижасида экинлар қуриб қолади.

Дуккакли дон экинларидан асосан мош ва сояни кучли зарарлашини ҳисобга олган ҳолда биз мош экинида ўргимчакканани ривожланиш хусусиятларини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб бордик.

Тадқиқот натижаларига кўра ўргимчаккана мошни асосий экин сифатида экилганга кўра такрорий экин сифатида экилганда 2 баробарга зарари ошиб бораётганлиги аниқланди. Кузатувларимизга кўра асосий экилган мошда 25,2-28,1% гача зарар етказган бўлса такрорий экилганда 48,1-49,7% гача зарарлаётгани кузатилди. Унинг миқдорини ошиб бориши август ўрталарига қадар давом этиб, бу даврда 1та баргда кана сони 61,1-63,2 донага қадар ошиб борди. Шундан кейин ўргимчаккана миқдори октябр ойини иккинчи ярмигача яъни экиннинг вегетацияси охиригача камайиб бориши кузатилди.

Диссертациянинг «Такрорий муддатда экиладиган мошнинг асосий зараркунандалари сонини бошқаришда биологик ва кимёвий

**воситаларнинг самарадорлиги»** деб номланган тўртинчи бобида такрорий муддатда экиладиган мошни зараркундаларига қарши кураш чораларини олиб бориш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Тажриба даламизда зараркундаларнинг келтирадиган зарари ва улар популяцияси миқдори экиш технологияси ва кўчат қалинлигига боғлиқ эканлиги аниқ бўлди. Ўсимликнинг экиш схемаси ва кўчат қалинлигига қараб фитофагларнинг турли хил экологик гуруҳлари шаклланди ва уларнинг зарар келтириш даражаси ҳам ўзгарди.

Ўтказган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича тажриба даламизда зараркундаларнинг келтирадиган зарари ва улар популяцияси миқдори экиш технологияси ва кўчат қалинлигига боғлиқ эканлиги аниқ бўлди. Ўсимликнинг экиш схемаси ва кўчат қалинлигига қараб фитофагларнинг турли хил экологик гуруҳлари шаклланди ва уларнинг зарар келтириш даражаси ҳам ўзгарди.

Қатор оралари 70 см ва кўчат қалинлиги 10 см қилиб экилган мош экинларида қатор оралари 70 см кўчат қалинлиги 15-20 см қилиб экилгандагига нисбатан салқин ва намликни хуш кўрувчи (мезофил) зараркундаларнинг кўп учраши кузатилди. Масалан, беда қандаласининг сони қатор ораси 70 см кучат қалинлиги 10 см бўлганда қатор ораси 15-20 см қилиб экилгандагига нисбатан ўртача 2,0 марта, кузги тунлам – 2,5-3,2 марта ва ғўза тунлами эса 2,5 марта кўп учраши кузатилди. Намликни хуш кўрмайдиган зараркундалар эса қатор ораси яқин бўлган вариантда кенг қаторлаб экилган вариантдагига нисбатан 1,5-2,8 марта кам учради (3-жадвал).

### 3-жадвал

**Мош экиш схемасининг ўсимликларни зараркундалар билан зарарланишига ва уларнинг зичлигига таъсири (ТошДАУ қошидаги «Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳатлар маркази ДУК» тажриба майдони, 2018-2019 йй.).**

Вариантлар (Ўсимликни экиш схемалари)	Зараркунда ва унинг зичлиги, ўртача				Ўсимликларнинг зарарланиш даражаси, %			
	Кузги тунла м	ўргим- чаккан а	Ғўза тунлами	Беда қандала си	Кузг и тун- лам	ўрги мчак кана	Ғўза тунл ами	Беда қанд а ласи
	1м <sup>2</sup> даги қуртлар сони, дона	1 зарарланган баргда, дона	100 туп ўсимликдаг и қуртлар сони, дона	1 туп ўсимликдаг и қандала сони, дона				
70x10	3,9	1,1	16,9	3,3	18,7	14,6	29,8	18,1
70x15	1,5	1,3	10,6	2,1	13,6	18,3	22,1	15,7
70x20	1,2	3,0	7,4	1,1	7,7	22,4	13,3	11,0



Тадқиқотлар натижаларидан хулоса қилиб айтганимизда мошни дон экинларини экиш қалинлиги ва бир метр кв. майдондаги ниҳоллар сони ҳам зараркунандаларнинг шу агробиоценоздаги миқдорига ва уларнинг ўсимликларни зарарлаш даражасига таъсир қилади.

Минерал ўғитларнинг вақтида берилиши ўсимлик ва зараркунандалар ўртасида ривожланиш фазаларининг бузилишига олиб келади. Тажрибаларни такрорий экин сифатида экилган мош экинида тажрибаларимизнинг биринчи вариантыда, яъни минерал ўғитларни P<sub>60</sub> – K<sub>60</sub> сарф миқдорида экинларга берилганда тугунак узунбурунларнинг назоратга нисбатан камайиши 19,9% га ва P<sub>90</sub> – K<sub>90</sub> сарф миқдорида берилганда эса – 37,7 % гача, беда қандаласининг эса назоратга нисбатан камайиши биринчи вариантда 14,6% гача, иккинчи вариантда 21,0% гача етди. Ўргимчакканаларнинг популяцияси миқдорининг камайиши биринчи вариантда назоратга нисбатан 25,3%, иккинчи вариантда эса 34,7% ни ташкил қилган.

Илмий изланишларимиз натижаларидан хулоса қилиб айтадиган бўлсак минерал ўғитларни ўсимликнинг ўсув даври бошланишида берилганда зараркунандалар популяцияси сонининг ИЗММ дан ошиб кетмаслигини таъминлаш мумкин.

Мошни асосий зараркунандаларидан ғўза тунламига қарши бракон паразити 1:5, 1:10, 1:15 нисбатда тарқатилганда 63,3-83,1% гача биологик самарадорликка эришилган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши қўллаш учун тавсия этилган инсектицид уруғдориллагич препаратлардан Гаучо 70% н.кук., тоннасига 5кг, Круизер 35% сус.к. 4 л ҳамда Круизер Экстра 362, сус.к., препарати 3 л сарф-меъёрларида мош уруғларини экишдан камида 15 кун олдин дориланиб экилганда экинлар униб чиққандан кейин 25-30 кунгача илдиз кемирувчи тунламлардан химояланган.

Такрорий муддатда экиладиган мош экинида ўргимчакканага қарши Вертимек, 1,8 % эм.к.(0,3 л/га), Ниссоран, 5% эм.к. (0,2 л/га), Химголд, 72% эм.к.(0,3 л/га) препаратларини юқорида кўрсатилган сарф миқдорида қўлланилганда 90% дан ортиқ биологик самарадорликка эришилган.

Мош экинида донхўр брухусларга қарши Б-58 ( янги) 40% эм.к. 1,0 л/га, Имидоголд 35% с.э.к. 0,25 л., Ламдекс SC 5% сус.к. 0,5 л/га кимёвий препаратларни кўрсатилган сарф миқдорларда қўлланилганда 85-90% дан ортиқ биологик самара берган.

Мош экинида ғўза тунламига қарши кимёвий препаратлардан Энтовант 15% эм.к., гектарига 0,5 л, Аваунт 15% эм.к., 0,45 л, Вертимек, 1,8% эм.к., 0,5 л, Ламдок 5% эм.к., 0,5 л сарф меъёрларида қўлланилганда 86,1-92,2% биологик самарадорликка эришилган.

Диссертациянинг «**Мошнинг асосий зараркунандалари миқдорини бошқаришда қўлланилган усул ва воситаларнинг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган бешинчи

бобида мошни асосий зараркунандаларига қарши кураш чораларига асосланиб ўтказилган усул ва воситаларнинг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлигини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган:

Ўтказилган ишлаб чиқариш шароитидаги тадқиқотларимизда мош экинларига зарар етказувчи донхўр брухусларга қарши синаб кўрилган бир қатор инсектоакарицидларнинг биологик самарадорлиги юқори бўлиб, уларни амалий ишлатишга лойиқ деб топдик, аммо тадқиқотларни яқунлаш учун буларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги ўрганилиши лозим эди.

2017-2018 йиллар давомида ўтказилган ҳар бир тадқиқотларимизда ўрганилаётган ва ёндош зараркунандаларнинг ўртача сони ҳисоблаб турилди. Икки йил давомида ўтказилган тажрибаларимизнинг хўжалик самарадорлиги, яъни ҳосилини аниқлашда ҳар бир вариантнинг 12 та нуктасидаги 1 м<sup>2</sup> майдонлардаги экинлар йиғиштириб олиниб, ўртача бир гектардан олиниши мумкин бўлган ҳосилдорлик аниқланган.

Мошни донхўр брухуслардан ҳимоя қилишда қўлланилган усул ва воситаларнинг берган самарасини ўзаро солиштирганимизда БИ-58 (янги) 40% эм.к. препарати қўлланилган вариантда назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 990000 сўмни ташкил қилган бўлса, сарфланган ҳар бир сўм ўзини 4,71 марта оқлаганлиги кузатилди. Имидоғолд 35% сус.к., қўлланилган вариантда бу кўрсаткичлар 990000 сўм ва 5,82 мартани, Ламдекс SC 5% сус.к. 0,5 л/га препаратида - 422000 сўм ва 2,41 марта ўзини оқлаши аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилояти шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра такрорий муддатда экилган мош агробиоценозида 26 турдаги зараркунандалар учраб зарар етказиши аниқланди. Учраган зараркунандалар экинга зарар етказиши 5 та тур зараркунанда асосий зараркунандалар ҳисобланади жумладан; ўргимчаккана, кузги тунлам, ғўза тунлами, беда қандаласи, донхўрлардир.

2. Тадқиқотларда мошнинг асосий зараркунандаси тўрт доғли донхўрнинг биологияси ва ривожланиш динамикасини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижасига кўра тўрт доғли донхўр январь ойида лаборатория шароитида 100 дона донда 4,1 тани ташкил этди. Ҳарорат кўтарилиши билан баҳор ойларида улар сони ҳам кўпая бошлади. Август ойида бу рақам 96,8 тага етди. Бу маълумотлардан кўринадики тўрт доғли донхўр ривожланиши учун оптимал ҳарорат 27-28<sup>0</sup>С ни ташкил этади.

3. 2017-2018 йиллар Қибрай тумани Ўсимликшунослик ИТИ, Янгийўл ва Оққурғон туманларида такрорий муддатда экилган мош донидан олиб 1000 донадан лаборатория шароитида таҳлил қилинганда донхўрлар билан 48,1- 65,5% га зарарланганлиги аниқланди.

4. Мош майдонларида ўсимликхўр қандалаларнинг зарарларши ва тарқалиш ўрганилганда тадқиқотларга кўра қандалалар кучли зарарлаган майдонларда мошнинг гуллари тўкилиб кетиши ва дуккаклари ҳосил бўлмаслиги кузатилди. Тадқиқотларда Тошкент вилоятида ўсимликхўр қандалаларнинг зарари мош экинида ўртача 42,7-48,4% ни ташкил этди.

5. Такрорий муддатда экиладиган мошни ғўза тунлами билан зараланишини ўрганиш учун олиб борилган тадқиқотларга кўра ТошДАУ «Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳатлар маркази» ДУКда -44,3%, Ўсимликшунослик ИТИ тажриба майдонларида 50,0% ҳамда Оққурғон тумани «Хусанжон Санжар» фермер хўжалиги далаларида тадқиқотлар олиб борилганда 49,0% гача зарарлаши кузатилди.

6. Ўргимчаккана мошни асосий экин сифатида экилганга кўра такрорий экин сифатида экилганда 2 баробарга зарари ошиб бораётганлиги аниқланди. Кузатувларимизга кўра асосий экилган мошда 25,2-28,1% гача зарар етказган бўлса такрорий экилган 48,1-49,7% гача зарарлаётгани кузатилди. Унинг миқдорини ошиб бориши август ўрталарига қадар давом этиб, бу даврда 1та баргда кана сони 61,1-63,2 донага қадар ошиб борди.

7. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши қўллаш учун тавсия этилган инсектицид уруғдориллагич препаратлардан Гаучо 70% н.кук., тоннасига 5кг, Круизер 35% сус.к. 4 л ҳамда Круизер экстра 362, сус.к., препарати 3 л сарф-меъёрларида мош уруғларини экишдан камида 15 кун олдин дориланиб экилганда экинлар униб чиққандан кейин 25-30 кунгача илдиз кемирувчи тунламлардан ҳимояланади.

8. Такрорий муддатда мош экинида ўргимчакканага қарши Вертимек, 1,8% эм.к. (0,3 л/га), Ниссоран, 5% эм.к. (0,2 л/га), Химголд, 72% эм.к.(0,3 л/га) препаратларни юқорида кўрсатилган сарф миқдорида қўлланилганда 90% дан ортиқ биологик самарадорликка эришилади, донхўрларга қарши БИ-58 (янги) 40% эм.к. (0,5-1,0л/га) Имидоголд 35% сус.к. (0,2-0,25 л/га), Ламдекс sc 5% сус.к. (0,4-0,5 л/га) препаратлари қўлланилганда 79,0-92,0% биологик самарадорликка эришилган.

9. Мошни донхўр брухуслардан ҳимоя қилишда қўлланилган усул ва воситаларнинг берган самарасини ўзаро солиштирилганда БИ-58 (янги) 40% эм.к., препарати қўлланилган вариантда назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 990,0 сўмни ташкил этди. Имидоголд 35% сус.к. 0,25 л/га қўлланилган вариантда бу кўрсаткичлар 988 000 сўмни, Ламдекс SC препаратида - 422 000 сўм ва 2,4 мартагача ўзини оқлаши аниқланди.

10. Мошни ўргимчакканадан ҳимоя қилишда Химголд, 72% эм.к., препарати билан ишлов ўтказилган вариантда назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 1210000 сўмни ташкил этди, Вертимек 1,8% эм.к., препарати билан ишлов ўтказилганда эса назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 1040000 сўмни ташкил қилди ва сарфланган хар

бир сўм ўзини 2,6 марта оқлаганлиги кузатилди. Ниссоран препарати қўлланилган вариантда назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 1385000 сўмни ташкил қилган бўлса, сарфланган ҳар бир сўм ўзини 3,3 марта оқлаганлиги кузатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МАХМУДОВА ШАХНОЗА АБДУФАТТАХОВНА**

**БИОЭКОЛОГИЯ ОСНОВНЫХ ВРЕДИТЕЛЕЙ МАША ПОВТОРНОГО  
СРОКА СЕВА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ ИХ  
ЧИСЛЕННОСТЬЮ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/Qx302.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович**  
доктор биологических наук, академик

**Официальные оппоненты:**

**Аманов Шухрат Бахтиёрович**  
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

**Буранов Юсуф Худойназарович**  
доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD), старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофелеводства**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871)260-38-60; e-mail: [tuag-info-@edu.uz](mailto:tuag-info-@edu.uz); Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1- этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером-539080). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки номер \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Ш.Э.Намазов**

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

**Я.Х.Юлдашов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., доцент

**М.М.Адилов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире бобовые злаки считаются основным сельскохозяйственным сектором, и по причине содержания в них самых необходимых для человека белка, жира и углеводов, они являются наиболее востребованной продовольственной продукцией. В настоящее время в мире ежегодно получают 62 млн. тонн урожая от зернобобовых культур в виде продовольственной продукции<sup>2</sup>. В этой связи, актуальной задачей является широкое внедрение в практику результатов проводимых научных исследований по управлению численностью вредителей, наносящих большой вред и являющихся причиной резкого снижения урожайности маша повторного срока сева, на основе изучения их видового состава, биоэкологических особенностей, распространения и вредоносности.

В мире в настоящее время, с целью удовлетворения требований к получаемому урожаю маша, проводится ряд широкомасштабных мероприятий в Китае, Индии, Корее, России и ряде других стран. В результате проведения исследований по методам борьбы против вредителей маша, создана возможность сохранения получаемого урожая. Маш, в основном, является растением, которое высаживают на больших площадях в повторные сроки, и разработка методов борьбы против его вредителей в соответствии с современными технологиями в настоящее время считается актуальной задачей.

В нашей стране был проведён ряд широкомасштабных реформ и мероприятий по удовлетворению спроса на получаемый с маша урожай в условиях республики. В настоящее время на площадях после зерновых культур, в основном высевается маш в качестве повторной культуры. В этой связи, в результате проведения исследований по методам управления численностью вредителей маша, создаётся возможность сохранения получаемого урожая этой культуры. Разработка экологически безопасных, безвредных для окружающей среды методов борьбы против основных вредителей маша в соответствии с современными технологиями является одной из важнейших задач на сегодняшний день. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены приоритетные задачи по «... разработке и внедрению мер защиты растений от болезней и вредителей». Внедрение эффективных методов борьбы при управлении численностью вредителей маша повторного срока сева имеет важное значение в повышении урожайности маша.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 27 июля 2017 года № ПП-3144 «О внесении изменений и дополнений в Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 марта 2017 года № ПП-2832 «О мерах по организации посева сои и увеличению возделывания соевых бобов в республике на 2017-2021 годы», «О мерах по

---

<sup>2</sup> <http://www.fao.org>

размещению повторных посевов на площадях, освобождаемых от зерновых колосовых культур, своевременной поставке необходимых для посева материально-технических ресурсов в 2017 году», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В мире во многих странах, в частности, в Индии такие учёные как Sumeet Verma, Anjay Kumar Gupta, Nupur Mittal, в Лондоне W.Weisser Wolfgang, Braendle Christian, Minoretti Nicole, в Австралии P.Michael, D.Hardie, P.Mangano, в Китае Тан Чан Куанг, в России Н.Б.Спирина, О.И.Петруха сформировали научное направление по изучению вредителей бобовых культур.

